

**Ижтимоий фаровонлик ва ҳамкорликни таъминлашнинг фалсафий
ҳуқуқий масалалари**

Атавуллаев Миркомил Аҳмадович

Ўзбекистон Миллий университети доценти

Аннотация. Ушбу мақолада ижтимоий давлатнинг мақсади ва муҳим хусусиятларидан бири аҳоли фаровонлигини таъминлаш эканлиги, айнан ушбу мақсад ва хусусият ижтимоий давлат барпо этиши зояси аҳолига маъқул ва бошқа сиёсий тузумлардан фарқи ўрганилган, илмий адабиётларда, айниқса фалсафий ҳуқуқий таълимотларда фаровонлик, халқни фаровон қилиш борасида турли, қарама қарши ёндашувлар ваа бир қатор файласуфларнинг фикрлари келтирилади.

Калит сўзлар: ижтимоий нотенглик, адолатсизлик, ижтимоий демографик, этносоциал, этногенетик, идеал, истеъмол савати.

**Философско-Правовые вопросы обеспечения социального
благополучия и сотрудничества**

Аннотация. В данной статье утверждается, что одной из целей и важнейших характеристик социального государства является обеспечение благосостояния населения, именно эта цель и особенность идеи построения социального государства благоприятны для населения и что Его отличие от других политических режимов изучено, в научной литературе, особенно в философско-правовых учениях, приводятся различные, противоречивые подходы к обеспечению благосостояния народа и мнения ряда философов.

Ключевые слова: социальная несправедливость, несправедливость, социальная демографическая, этносоциальная, этногенетическая, идеальная, потребительская корзина.

Philosophical legal issues of social welfare and cooperation

Annotation. This article explores the fact that one of the goals and important features of the social state is to ensure the well-being of the population, it is this goal and feature that the idea of building a social state is acceptable to the population and differs from other political arrangements, various, contradictory approaches to prosperity in the scientific literature, especially in philosophical legal

Keywords: social uncertainty, injustice, social demographic, ethnosocial, ethnogenetic, ideal, consumer basket.

Ижтимоий давлатнинг мақсади ва муҳим хусусиятларидан бири аҳоли фаровонлигини таъминлашдир. Айнан ушбу мақсад ва хусусият ижтимоий давлат барпо этиш ғоясини мафтункор, аҳолига манзур ва бошқа сиёсий тузумлардан фарқли қилади.

Илмий адабиётларда, айниқса фалсафий ҳуқуқий таълимотларда фаровонлик, халқни фаровон қилиш борасида турли, гоҳо қарама қарши ёндашувлар учрайди. Гегель, Гомайер ва Грисхаймнинг “Барча кишилар учун фаровонлик қуруқ абстракциядир” деган фикрларини келтиради[1]. Ҳақиқатан ҳам, Грисхайм “Барчанинг фаровонлиги ҳақидаги гап сўзлар тасаввурларини кўз кўз қилиш учун зарур қуруқ мақтанишнинг кўринишидир”, деган[1]. Чамаси бу фикрларни Гегель ҳам қўллаб қувватлаган ёки уларга мойиллик билдирган. Ижтимоий нотенглик ва адолатсизлик одатий ҳол бўлган даврларда барча кишиларнинг, ҳамманинг фаровон, тўкин сочин ва омадли яшашини тасаввур қилиш қийин эди, албатта. То ҳозиргача барчанинг фаровон яшаши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар утопия, нореал режадек туюлади. Ижтимоий фаровонликни ўзининг мақсади деб эълон қилган АҚШ ва Европадаги ижтимоий давлатлар бу мақсадига эришишмади. Уларда аҳолининг маълум бир қатлами ҳамон қашшоқ, ишга, уй жойга ва ижтимоий таъминотга муҳтож яшайди. 2020-2021 йиллардаги манбаларга кўра АҚШда қашшоқлар 11,6% ни ташкил

этади, бу 37, 9 миллион киши демакдир. 2023 йил 21 июлдаги маълумотга кўра, АҚШ аҳолисининг 32 % қашшоқлик остонасида туриши қайд этилган[2]. Бу америкаликларнинг деярли учдан бири қашшоқликда кун кўради деганидир. Германияда эса бу кўрсаткичлар 20 %дан юқори, унда ҳар бешинчи бола қашшоқ яшашга маҳкум этилган. Ҳатто ўрта таъминланган аҳолининг 60% дан зиёдида қашшоқлар даражасига тушиб қолиш эҳтимоли мавжуд[3]. Бундай рақамларни яна келтириш мумкин. Демак, ижтимоий давлат ҳақидаги идеал модел ҳали реал ижтимоий муаммоларни ҳал этишга олиб келавермас экан. Бу ўринда гап моделда эмас, балки аввало давлатнинг ижтимоий иқтисодий имкониятларни ошириш, бунинг учун иқтисодий демократия талабларини бажариш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, милитаристик режалардан воз кечиш, халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш каби вазифаларни изчил амалга оширишидадир. Идеал моделларни яратиш ва эълон қилиш осон, аммо уларни амалга ошириш, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратиш асло бошқа сиёсатни талаб этади. Агар давлат ўзининг ижтимоийлигини эълон қилсаю, эртага халқ фаровонлиги ва ижтимоий ҳимояга сарфланадиган маблағларни ўзининг гегемонистик амбицияларига, даъволарига сарфласа, бундай давлатни “ижтимоий” аташ нотўғри. Гап қонунларда эълон қилинган мақсад ва вазифаларда эмас, балки уларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган амалий сиёсатдадир. Амалий сиёсат ижтимоий давлат барпо этишнинг социосубстанционал асосидир, бусиз у утопия, қуруқ хаёл маҳсули бўлиб қолаверади. Ижтимоий фаровонликнинг ўз параметрлари бор, уларга:

- иш ҳақи;
- тўпланган даромад;
- истеъмол савати;
- турмуш даражаси;
- урбанизация;
- дам олиш ва туристик саёхат имкониятлари;
- уй хизматчилари ёллаш имконияти кабилар киради. Иш ҳақи шахснинг

меҳнат фаолиятига берилади. У ёлланма ходим, мутахассис, ишчи хизматчи “даромадининг элементи, уларга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир”[4]. Иш ҳақининг асоси унинг ставкасидир. Мутахассисларнинг фикрича, бу ставка “ходимларнинг ўзига хос тафовутларни, уларнинг жисмоний кучи ва чидамлигидаги, тез акс садо беришидаги, тиришқоқлигидаги меҳнат натижаларига таъсир этувчи шу каби хусусиятларни ҳисобга олмайди. Шу сабабли иш ҳақининг тузилишидаги яна бир элементни меҳнат фаолиятининг алоҳида натижаларидаги фарқларни (мукофотларни, устама ҳақни, ишбай кўшимч ҳақни ва шу кабиларни) акс эттирувчи ўзгарувчан қисмни ажратиб кўрсатиш керак”[4]. Шу тарзда улар иш ҳақига моддий ёрдам, овқат пули, йўлланмалар ва даволаниш ҳақи, қимматбаҳо совғалар, кўшимча тиббий ва пенсия суғуртасини ҳам киритишади.

Ижтимоий давлатда кўпинча эътибор энг кам иш ҳақини оширишга қаратилади, чунки иш ҳақининг ошиши ишчи хизматчининг моддий ҳаётига ижобий таъсир этади, унинг иқтисодий эҳтиёжларини тўла қондиришга ёрдам беради. “Энг кам миқдордаги иш ҳақи иш кучининг жисмоний фаоллигини қўллаб қувватлаб қолмасдан, шу билан бирга унинг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаши ва ривожлантириши учун истеъмол саватчасига мувофиқ келиши лозим. Бу саватча энг зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар турини ўз ичига олади. Энг кам иш ҳақи фақат алоҳида олинган ходимни эмас, балки унинг вояга етмаган оила аъзолари ҳам қайта ҳосил қилиниши (тикланиши) ни таъмин этиши керак”[4]. Иш ҳақи турли ижтимоий давлатларда турличадир. Масалан, 2023 йил май ойига кўра ойлик иш ҳақлари Швецарияда у 5576 АҚШ долларини, АҚШда 3837, Исландия да 3712, Нидерландияда 3150, Буюк Британияда 2645, Финландияда 2582, Германияда 2744, Канадада 2740, Ўзбекистонда эса, 2022 йилга кўра, 278, 79 АҚШ долларни ташкил этган. 106 давлат ичида республикамиз иш ҳақи тўлаш бўйича 96 ўринни эгаллаган[5]. Агар буни илғор давлатлардаги ҳолга таққосласак, республикамизда ижтимоий давлат

барпо этиш борасида жиддий ўзгаришлар ва ривожланиш рўй бериши зарурлигини англаймиз. Тўпланган (йиғилган) даромад шахснинг меҳнат ҳақларидан, мукофотлар ва меросдан қолган маблағлари йиғиндисидир. Тўпланган даромад, пул, моддий бойлик, валюта, қимматбаҳо металллар ва нарсалар тарзида шахсга ўзини таъминланганлик, кутилмаган ҳодисалардан сақланиш, эҳтиёт бўлиш, саломатлиги ва хавфсизлиги таъминлаш имконини беради. Шахс қариганида ёки нафақага чиққанида маълум бир жамғармаларга эга бўлиши керак, чунки бу ёшда унинг тиббий ва хавфсизлик ёрдамларига, хизматларига зарурати ошади. Мутахассисларнинг тавсиясига кўра, оила сарф харажатларининг 36% тўпланадиган даромад бўлиши зарур. Демак, оилага сарфланадиган маблағларнинг шунча қисми ҳар ойда тўпланадиган даромадга ажратилиши, бу оила аъзоларини келгусида бўлиши эҳтимоли мавжуд тасодифлардан, ётиб қолиш ёки муҳтожликдан ҳимоя қилади. Аҳолининг

даромади ҳақида турли назарий концепциялар яратилган бўлса да, унинг механизмлари ҳанузгача етарли аниқланмаган. Баъзан салбий ҳоллар аҳоли даромадининг, айниқса миллий даромаднинг ошишига олиб келади. Масалан, Украинадаги урушга қарамай, Россия янада бойиган, миллиардлаб доллар Украинага ажратаётган ғарб эса қашшоқлашиш томон бормоқда. 2022 йил АҚШ бошқа мамалакатларга қараганда энг кўп йўқотишга (5,9 триллион доллар) учраган, Шимолий Америка ва Европа билан биргаликда 10,9 триллион долларга камбағаллашган. Россиянинг умумий бойлиги 600 миллиардга ошган. Унда миллиардерлар сони 58 мингга ошиб, деярли 408 мингга етган [6] АҚШ ва Европа давлатларининг милитаристик сиёсати Украина билан Россия ўртасида келишувга эришишга, низо ва урушларни тўхтатишга эмас, балки Россияни мағлуб этишга, ўз тасаввурларини дунёга сингдириб гегемонликка эришишига қаратилганини пайқамаслик мумкин эмас. Ижтимоий давлатлар ҳам шундай гегемонистик тазйикқа учраши табиий ҳолдир. Шунинг учун келажакда барпо этиладиган ижтимоий давлат ташқи империалистик ва шовинистик тазйиклардан мутлақ холи бўлади

дейиш қийин. Аммо бу уларнинг аҳоли даромадини оширишга қаратилган сиёсатини давом эттиришларига халақит бермаслиги зарур.

“Истеъмол савати” деган тушунча ғарб иқтисодиёти ва меҳнат, турмуш социологиясида кенг ишлатиб келинади. Илғор давлатларда истеъмол савати ҳар ойда аниқланиб, аҳоли эътиборига, муҳокамасига қўйиб борилади. Агар истеъмол товарларида бирор салбий томонга ўзгариш (масалан, гўшт маҳсулотларини истеъмол қилишнинг қисқариши) рўй берса, бунинг боислари изланади, ҳар бир кишига ўрнатилган рацион (халқаро стандарт) га амал қилиш чоралари кўрилади. Ҳар бир шахснинг фаровон, соғлом яшаши унинг истеъмол қиладиган ноз неъматларига боғлиқлиги истеъмол савати минимумини сақлашни тақозо этади

Истеъмол савати аҳоли фаровонлигининг индикатори сифатида бозор иқтисодиётига ҳам таъсир этади[7]. Истеъмол саватини шакллантиришга оид илғор давлатлар тавсиялари қанчалик муҳтим бўлмасин, унда ҳар бир халқнинг, миллатнинг маълум бир турмуш тарзи, саломатлиги ва табиий жуғрофик муҳитга мослашгани каби омиллар борлигини унута олмаймиз. Ушбу ижтимоий демографик, этносоциал ва этногенетик омиллар истеъмол саватини шакллантиришга таъсир этади, ноз неъматларнинг тарқалишида муҳим ўрин тутади.

“Турмуш даражаси” деганда биз аҳолининг ноз неъматларни истеъмол қилиш, у ёки бу товарларни сотиб олиш ва улардан фойдаланиш, хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари, уй жой шароити, жамиятдаги социал нормаларга ва эҳтиёжларга муносабатлари, коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши кабиларни назарда тутамиз. Истеъмол савати ҳам турмуш даражасига оид, уни англатувчи кўрсаткичдир.

Турмуш даражасини қандай бўлиши мудом шахслар ихтиёридадир, давлат уларнинг кундалик эҳтиёжларига, истакларига аралашмайди. Бироқ ижтимоий давлат фуқоралари турмуш даражасининг пасайиб кетмаслиги учун ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизmlаридан фойдаланади.

Урбанизация ҳам аҳоли турмуш даражасини, фаровонлигини англатувчи

кўрсаткичлардан биридир. Ҳатто илм фанда “урбанизацион ривожланиш” деган тушунча мавжуд. Урбанизацион ривожланишни таъминлаш ижтимоий фаровонлик сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади. Оиланинг маиший техника (кир ювиш машинаси, телевизор, уй кинотеатри, мобил алоқа воситалари, автомобил, чанг ютгич кабилар), воситаларига эгаллиги, маиший хизмат турларидан фойдаланиши, уй хоналарни замонавий безатилиши кабилар оила фаровонлигидан дарак беради. Илмий техник кашфиётлар ҳар бир оилага кириб борган ҳозирги пайтда улардан фойдаланмаслик асло мумкин эмас, бироқ камбағалликдан халос бўлмаган давлатлар, халқлар ҳам борки, уларни урбанизация эмас, балки кун кўриш, овқатланиш, нон топиш кўпроқ ташвишга солади. БМТнинг маълумотларига кўра, 2022 йилда 1,2 миллиард киши қашшоқ, улар кундалик озиқ овқатга сарфлайдиган харажатлар 1,9 АҚШ долларидан кам. Улар тоза сув ичиш, тиббий хизматлардан, ҳатто ҳожатхонадан фойдаланиш, таълим олиш имкониятига эга эмас. Ушбу кишиларнинг ярмидан кўпи 18 ёшга етмаган болалардир. Уларнинг 600 (деярли 50%) миллионга яқини электр энергияси ва газдан фойдалана олмайди, 40% санитария гигиена талабларига мувофиқ келмайдиган шароитда яшайди, 30 % эса умуман ҳамма нарсадан, яъни уй жойдан, сув, электр энергияси, газ таъминотидан маҳрум, овқат тайёрлаш имконига эга эмас. Биргина Ҳиндистонда, кейинги 15 йил ичида қашшоқлар сони 415 миллионга қисқарган бўлса да, бугун унда 229 миллион қашшоқ бор. Европадаги қашшоқлар сони бир миллионга яқин. Ҳатто ижтимоий давлатларда ҳам қашшоқлар сони ошиб бормоқда[8]. Шундай экан, ижтимоий давлат модели фаровонлик масалалари тўла ҳал этади, деган хулосага келмаслик керак, бу ўринда субъектив омил (кишиларнинг фаровон яшашга, қўшимча даромад топиб ўз турмушини яхшилашга интизмаслиги, худо беради, борига шукур қилиб яшашга ўрганиб қолгани)нинг салбий таъсири борлиги кузатилади. Урбанизация ён атрофни гўзал, қулай, тоза ва тартибли қилишга ёрдам беради. Бадиий эстетик жиҳозланган ён атроф, оила муҳити, гўзал ва ихчам кийим кечак, мода инсонда ҳаётга, яшашга иштиёқ,

завқ уйғотади, умумижтимоий миқёсда эса халқ фаровонлигининг кўриниши сифатида келади.

Фаровон ҳаёт вақтга, айниқса бўш вақтга рационал ёндашиш, ундан унумли фойдаланиш имконини беради. Бўш вақтда киши дам олади, ўзининг психофизиологик имкониятларни тиклайди, эртага борадиган иши учун, ижтимоий вазифасини бажариш учун куч йиғади. Фаровон турмушнинг муҳим кўрсаткичи бўлган бўш вақтга рационал муносабат кишини интеллектуал ва маънавий ахлоқий ривожланишга ундайди. Файласуфлар мудом инсоннинг ўз умрига, вақтига ўта зийраклик ва талабчанлик билан ёндашишга ундаб келишган, бу бежиз эмас. Инсон умри вақт (сония, дақиқа, соат, ҳафта, ой, йил) ларда ўз ифодасини топади, демак, вақтга муносабат умрга муносабатдир. Шунинг учун ҳам Сенека шогирдини вақтини керакли нарсаларга сарфлашга, уни бошқалар томонидан ўғирланишига йўл қўймасликка чақиради. Инсонда яккаю ягона бойлик у вақт, уни беҳуда нарсаларга сарфлаган адашади, деб кўрсатади файласуф[9].

Махсус тадқиқотлардан маълумки, фаровон яшаётган киши бўш вақтидан рационал фойдаланишга, саёҳатларга чиқишга интилади. Саёҳат кишининг дунёқарашини, билимини оширади, унга турли халқлар маданияти билан танишиш имконини беради. Бугун туризмга ижтимоий иқтисодий соҳанинг бир тармоғи сифатида қаралмоқда, демак, мамлакатнинг тараққиёти саёҳат хизматларининг йўлга қўйилгани, фуқароларнинг ташқи ва ички туризмдаги фаоллиги билан ўлчанадиган бўлади. Ижтимоий давлатнинг ривожланиши учун чет эллик саёҳларнинг келиши муҳим позитив ҳолдир. Ушбу саёҳлар билан бирга давлатга инвестиция келади, иш жойлари пайдо бўлади, интеграция кучаяди, маданий тажриба алмашиш кенгаяди. Ижтимоий давлат халқаро алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор, чунки бундай алоқалар миллий маданият ва тараққиётни бошқа давлатларга, халқларга етказиши, халқни халққа, маданиятни маданиятга танитади. Глобал маданий ривожланиш авж олиб бораётган ҳозирги пайтда туризм имкониятларидан фойдаланиш ижтимоий давлатнинг халқаро

рейтингини, имижини оширади, унинг барқарор ривожланишига ёрдам беради. Илғор давлатларда уй хизматчилари ёллаш фаровонлик белгиси сифатида қабул қилинади. Моддий нуқтаи назардан етарли таъминланган, ўзига тўқ оилалар уй хизматчилари хизматларидан фойдаланишади. Бундай хизматчилар қатлами Янги Ўзбекистонда ҳам шаклланиб бормоқда. Ижтимоий фаровонлик асосини ижтимоий иқтисодий муносабатлар, яъни фуқароларнинг меҳнат жараёнида яратган моддий бойликлари, уларнинг меҳнат қилишга тайёрлиги, жамият моддий бойликларини оширишга қизиқиши, хуллас, ҳар бир кишининг ижтимоий меҳнатга муносабати ташкил қилади. Гегель ёзганидек, “фуқаролик жамияти индивидларни таъминлаши зарур, шу билан бирга у индивидларни ўз фаровонлигини таъминлаши учун зарур маблағлар топишга мажбур этиш ҳуқуқига ҳам эгадир”[10]. Йўқсил кишилар учун оила ролини давлат бажаради, деб кўрсатади Гегель, бу билан фуқаролик жамияти, “умумҳокимият” индивидларнинг муҳтожлигида ёрдам беради, уларнинг, вазияти ва ҳуқуқсизлигидан келиб чиқадиган ишлашни ҳоҳламаслиги, серқаҳрли ва бошқа иллатлари билан курашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гегель. Философия права. - Москва: Мисль, 1990. С. 419.
2. [https // visas am. ru. bednost-v-ssha](https://visas.am.ru.bednost-v-ssha).
3. [isas am. Ru](https://isas.am.Ru)
4. Абдурахмонов Қ.Ҳ., Холмўминов Ш.Р. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. - Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. 97 б.
5. [https // kun/uz>news>2022/08/25](https://kun/uz>news>2022/08/25)
6. [Goraxabar/ 10/08/23](https://goraxabar/10/08/23)
7. Шайхатдинов В., Григорьев И., Плешакова И. Актуальные проблемы права социального обеспечения. 2 е изд. - Москва: Литрес, 2022: Современные проблемы развития национальной экономики. Сб. статей. Материали Международная научно практической конференции. 12 14 июня

2018г. Москва : Литрес, 2018; Никонова О.,Маяцкая И., Коржинек Т., Евсеев В. Экономические основы социальной работы. Учебник. - Москва: Литрес, 2021.

8.news. un. org.17/10/22.

9.Сенека. Нравственные письма к Луцилию. - Москва: АСТ,2022.С. 180-181.

10.Гегель. Философия права. - Москва: Мисль, 1990. С. 270.